



**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича  
судлов ҳайъати томонидан 2024 йил тўртинчи чорагида  
тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича  
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 1.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йил тўртинчи чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2024 йил тўртинчи чорагида тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар) асосида 488 та иш ўрганилган, тафтиш инстанциясида 50 та иш кўрилган бўлиб, 24 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 25 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 1 та иш юзасидан шикоят бўйича иш юритиш тугатилган.



Жами бекор қилинган 25 та суд ҳужжатларидан 12 таси бўйича қуйи судларнинг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 7 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун қуйи судларга (шундан, 1 таси биринчи инстанцияга, 5 таси апелляция инстанциясига, 1 таси тафтиш инстанцияга) юборилган ҳамда 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг 3 та ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг 3 та қарори ўз кучида қолдирилган.



2024 йил тўртинчи чорагида бекор қилинган ишлар судлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳар судларининг **6** та, Тошкент ва Хоразм вилоят судларининг **5** тадан, Самарқанд ва Фарғона вилоят судларининг **2** тадан, Андижон, Наманган, Жиззах, Қашқадарё вилоят судларининг **1** тадан, шунингдек кассация инстанциясининг **1** та суд қарорлари бекор қилинган.

Судлов ҳайъатида Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоят судларининг 1 тадан, Бухоро вилоят судларининг 2 та ишлари кўрилган бўлиб, барча суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Таҳлиллардан кўринишича, бекор қилинган ишларнинг 48 фоизи юзасидан Олий суд тафтиш инстанциясининг янги қарорлари қабул қилинган, 28 фоизи бўйича ишлар мазмунан кўриш учун қўйи судларга юборилган, 24 фоизи бўйича юқори инстанция судлари қарорларини бекор қилиш ва қўйи инстанция судларининг бекор қилинган суд қарорларини ўз кучида қолдириш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилинган. Якуний қарорлар қабул қилиш кўрсаткичи 72 фоизни ташкил этган.

Жавобгар вазирликлар кесими таҳлиliga кўра, 2024 йил 4-чорагида тафтиш тартибида кўрилган 50 та ишнинг 18 таси ёки 36 фоизи маҳаллий ҳокимликлар, 12 таси ёки 24 фоизи солиқ идоралари, 7 таси ёки 14 фоизи кадастр идоралари билан боғлиқ муносабатларга оид ҳисобланади.

Суд амалиёти обзори тайёрлаш натижаларидан кўринишича, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаслиги, иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаслиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши ёки бузилиши суд қарорлари бекор қилинишига сабаб бўлган.

Муайян ишлар бўйича суд қарорлари бекор қилиниши асос бўлган ҳолатлар қуйидаги ишлар мисолида келтирилади:

## Процессуал ҳуқуқ нормасига риоя этилиши

**Давлат божидан озод этилган шахсларнинг тафтиш тартибидаги шикоятини давлат божи тўланмаганлиги асосида қайтариб бўлмайди**

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 3 апрелдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 13 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг “ХХХ” МЧЖ манфаатида туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг жамиятнинг мурожаатини белгиланган тартибда кўриб чиқмаганликдан иборат ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Мазкур суд ҳужжатлари устидан келтирилган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг тафтиш тартибидаги шикояти давлат божи тўланмаганлиги асосида Тошкент шаҳар маъмурий суди судьясининг 2024 йил 31 июлдаги ажрими билан қайтарилган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 10-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб берилган аризалар бўйича маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Олий суд Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги “Маъмурий ишлар бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти ҳақида”ги 20-сонли қарорининг 21-бандида ҳам “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 10-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация ва тафтиш шикояти билан мурожаат қилганда давлат божидан озод этилишлари ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг тафтиш тартибидаги шикоятини қайтаришда ушбу қонун талаблари инобатга олинмаган.

Қайд этилганларга кўра, Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 16 октябрдаги қарори билан Тошкент шаҳар маъмурий суди судьясининг ажрими бекор қилиниб, иш Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг тафтиш тартибидаги шикоятини иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этиш ва кўриб чиқиш учун тегишли судга юборилган.

*5-1001-2402/209-сонли маъмурий иш*

**Суд шикоятдан воз кечиш  
оқибатларини тўлик  
тушунтириши лозим, шикоятдан  
шартли равишда воз кечишга  
йўл қўйилмайди.**

Аризачи туман прокурори судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар БББ туман ҳокимининг 2019 йил 20 мартдаги “NNN” фермер хўжалигига ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги хх-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Хоразм вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 18 мартдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 19 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, ариза қаноатлантирилган.

Бухоро вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 июндаги ажрими билан учинчи шахс “NNN” фермер хўжалигининг тафтиш шикоятидан воз кечиш ҳақидаги аризаси қабул қилиниб, тафтиш шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2024 йил 25 мартдаги “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 11-сонли қарори 23-бандининг учинчи қисмига кўра, апелляция, кассация инстанцияси суди аризачининг ариза (шикоят)дан воз кечишини қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин аризачига (тарафларга) иш юритишни тугатишнинг МСИЮтК 109-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши шарт.

Иш ҳужжатларига кўра, учинчи шахс “NNN” фермер хўжалиги раҳбари Бухоро вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясига ариза билан мурожаат қилиб, маъмурий ишда керакли қўшимча далилларни тўплаш учун вақт талаб қилинаётганлиги сабабли тафтиш тартибидаги шикоятдан воз кечиши ва шикоят бўйича иш юритишни тугатишни сўраган.

Бироқ, учинчи шахс “NNN” фермер хўжалиги тафтиш тартибидаги шикоятдан шартли равишда воз кечган бўлса-да, суд воз кечиш оқибатларини тўлик тушунтирмасдан уни қабул қилиб, барвақт хулосага келган.

Суд мажлиси баённомасида ҳам учинчи шахс “NNN” фермер хўжалиги раҳбарига шикоятдан воз кечиш оқибатлари тушунтирилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

Шу сабабли, Олий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 8 ноябрдаги қарори билан Бухоро вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 июндаги ажрими бекор қилиниб, иш (шикоят) мазмунан кўриб чиқиш учун шу инстанция судига юборилган.

**Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга асос бўлади**

Андижон вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 29 апрелдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Андижон туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 1 мартдаги ҳал қилув қарори билан аризачи ХХХнинг жавобгар Андижон туман ҳокимининг 2021 йил 7 июндаги хх-сонли қарорини ДДДга оид қисмини ҳамда Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг 2023 йил 26 ноябрдаги ДДД номига берилган “Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома”ни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Андижон вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 21 майдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Андижон туман ҳокимининг 2021 йил 7 июндаги хх-сонли қарорининг 2-бандига асосан “ТТТ” МФЙдаги рақамсиз уй манзилидаги ҳовли-жойга ДДД фойдаланувида бўлган 600 кв.метр ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Андижон вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги Бош бошқармасининг 2023 йил 26 ноябрдаги “Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома”сига асосан, ДДДга Андижон тумани, “Бахт” МФЙ, Муқумий кўчасидаги қурилиши (реконструкция) тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат этилган.

2024 йил 8 январь куни нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига биноан фуқаро ГГГ Андижон вилояти, “ТТТ” МФЙдаги, рақамсиз уй манзилида жойлашган кўчмас мулкнинг бир қисмини сотиб олган.

Мазкур кўчмас мулкка бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ГГГнинг номига 2024 йил 23 январда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бундан кўринадики, суд қарорлари ГГГнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларига бевосита таъсир қилган.

Судлар ГГГни низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилиш чораларини кўрмасдан, процессуал ҳуқуқ нормаларини кўпол равишда бузган, апелляция ва тафтиш инстанциялари томонидан эса бу процессуал қонунбузилиши ҳолатига эътибор қаратилмаган.

Шунга кўра, Олий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 ноябрдаги қарори билан апелляция ва тафтиш инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

*5-1701-2406/12-сонли маъмурий иш*

**Маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги қоидаларига риоя қилмаслик суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 6 майдаги ажрими билан аризачи “NNN” хусусий корхонасининг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мансабдор шахсларининг хусусий корхонада йил ҳосили учун фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳақиқий ҳажми йил давомида белгиланган лимитлардан ортиқча сарфланганлиги тўғрисида солиқ бошқармасига маълумотнома тақдим этишда ифодаланган ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Хоразм вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 22 июлдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Хоразм вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 11 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3 ва 4 – бандларига кўра, сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (ер ости сувлари) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланиб, солиқ органи сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан солиқларни аниқлайди.

Шунга кўра, Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотномаси маъмурий органнинг ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи ҳужжати ҳисобланади.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан ушбу асослар инобатга олинмаган ҳолда аризани иш юритишга қабул қилиш рад этилган. Апелляция ва тафтиш инстанциялари томонидан биринчи инстанция судининг хулосалари нотўғрилигига эътибор қаратилмаган.

Шу сабабли, Олий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 8 октябрдаги қарори билан қуйи инстанция суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриб чиқилиши учун биринчи инстанция судига юборилган.

*5-2201-2404/309-сонли маъмурий иш*

### **Моддий ҳуқуқ нормасига риоя этилиши**

**Қонуннинг ёки бошқа қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.**

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризачи “ВВВ” МЧЖнинг Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг қарорини ҳақиқий эмас, Солиқ қўмитасининг шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 5 июлдаги қарори билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисмида солиқ қўмитасининг шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги талаб иш юритишдан тугатилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 31 майдаги қарори билан апелляция инстанцияси қарорининг солиқ қўмитасининг шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги талабни иш юритишдан тугатиш қисми бекор қилиниб, бу талаб бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Солиқ бошқармасининг буйруғига асосан жамиятга қаршли омборхонада сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, текширувда товар-моддий бойликлари ҳисоботида реализация қилинмаган, қолдиқ товарлар деб кўрсатилган камомад аниқланиб, низолашилаётган қарор билан камомад суммасининг 20 фоизи миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11-бандига кўра, ахборот тизимида техник носозликлар юзага келганда ҳисобварақ-фактура қоғоз шаклида расмийлаштирилиши, кейинчалик ахборот тизимидаги носозликлар бартараф этилгандан сўнг беш кун ичида қоғоз шаклидаги ўша ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда ахборот тизимига киритилиши лозимлиги белгиланган.

Жамият томонидан ҳам айнан шу тартибда иш юритилган бўлиб, 2022 йилнинг 11-13 апрель кунлари электрон дастурдаги техник носозликлар туфайли ҳисобварақ-фактура қоғоз шаклида расмийлаштирилган. Техник носозлик бартараф этилгач, шу йилнинг 21 апрель куни ушбу ҳисобварақ фактуралар электрон шаклда дастурга киритилган.

Қолаверса, 2022 йилнинг 21 апрель куни 11-13 апрель санаси билан ахборот тизимига киритилган ушбу ҳисобварақ-фактуралар кейинчалик солиқ органи томонидан жамиятнинг ҳисоботларида ҳам инобатга олинган. Жумладан, жамиятда ўтказилган солиқ аудити натижалари бўйича тузилган далолатномада ҳам 2022 йилнинг апрель ойи учун ҳисобот кўрсаткичлари орасида фарқ аниқланмаганлиги, ҳисобварақ фактуралар бўйича ҳам корхона томонидан юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун ҳисобварақ фактуралар Солиқ Кодексининг 47-моддасига асосан расмийлаштирилганлиги қайд этилган.

Бундай ҳолатда эса солиқ бошқармасининг жамият томонидан аслида реализация қилинган товарларни реализация қилинмаган деб ҳисоблаб, камомад сифатида баҳолаши ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ва қонунчилик нормаларига номувофиқ ҳисобланади.

Ўз навбатида, Тошкент шаҳар маъмурий суди тафтиш инстанцияси ҳам қонунчилик нормасини нотўғри талқин этиб, жамият томонидан тақдим этилган қоғоз шаклидаги ҳисобварақ-фактуралар ахборот тизими оператори томонидан расман тасдиқланмаганлиги ҳақида нотўғри хулосага келган. Боиси, қонунчиликда тизим оператори қоғоз шаклидаги ҳисобварақ фактураларни эмас, балки техник носозликни тасдиқлаши лозимлиги белгиланган.

Шу сабабли, Олий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 16 декабрдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг қарорлари бекор қилиниб, янги қарор билан ариза қаноатлантирилган.

*5-1001-2305/476-сонли маъмурий иш*

**Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.**



Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 18 июлдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 25 майдаги ҳал қилув қарори билан аризачи “ZZZ” МЧЖнинг солиқ бошқармасига нисбатан 2023 йил 8 февралдаги ХХ-сонли ва Солиқ қўмитасининг 2023 йил 3 апрелдаги ХХХ-сонли қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришдан рад этилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 3 майдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ бошқармасининг 2023 йил 8 февралдаги қарори билан жамиятга нисбатан қўшимча қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи ҳисобланган.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш 2023 йил 3 февраль куни соат 11-00га тайинланган. Бироқ, далолатнома ва солиқ текшируви материаллари ушбу куни кўриб чиқилмаган.

Солиқ бошқармасининг 2023 йил 8 февралдаги ХХ-сонли қарорида далолатнома ва солиқ текшируви материаллари 2023 йил 8 февралда кўриб чиқилганлиги қайд этилган. Бироқ иш ҳужжатларида далолатнома ва солиқ текшируви материаллари 2023 йил 8 февралда кўриб чиқилиши ҳақида аризачи хабардор қилинганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Солиқ кодекси 157-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг муҳим шартларини бузиш юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ва (ёки) солиқ суммаларини қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Бундай муҳим шартлар жумласига ўзига нисбатан солиқ текшируви ўтказилган шахснинг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этиш имкониятини таъминлаш ҳамда солиқ тўловчининг тушунтиришлар бериш имконини таъминлаш киради.

Жавобгар томонидан текшириш ўтказиш процессуал тартиб-таомилларига риоя этилмаган, жамиятни солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш имконияти таъминланмаган.

Солиқ бошқармасининг 2022 йил 25 ноябрдаги ss-сонли буйруғига асосан “ZZZ” МЧЖда ўтказилган солиқ текшируви натижалари бўйича солиқ бошқармасининг 2023 йил 8 февралдаги қарори билан жамиятга 2022 йил учун фойда солиғига 255 000 000 сўм, дивиденд тариқасида олинадиган даромадларга солинадиган солиқ учун 85 000 000 сўм ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ учун 204 000 000 сўм қўшимча ҳисобланган.

Солиқ қўмитанинг 2023 йил 3 апрелдаги қарори билан солиқ бошқармаси қарорининг жамиятга дивиденд тариқасида олинадиган даромадларга солинадиган солиқ ҳисоблашга оид қисми бекор қилинган, қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Камерал солиқ текширувида аниқланган ҳолатлар юзасидан жамиятинг мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан ЖК 184-моддасининг учинчи қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят иши доирасида ҳужжатли тафтиш тайинланган.

Жиноят иши доирасида тайинланган солиқ аудити натижалари бўйича тузилган далолатнома солиқ бошқармасида кўриб чиқилиб, 2023 йил 28 августда tt-сонли қарор қабул қилиниб, жамиятга 2022 йил учун солиқ қонунлари бузилганлиги учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига 8 367 000,6 сўм, фойда солиғига 0 сўм ҳисобланган.

Натижада, ҳар иккала текшириш битта даврни қамраб олган ва бир орган томонидан ўтказилган, бироқ улар натижалари бўйича бир-бирига зид қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилган.

Шу сабабли, Олий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 23 октябрдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг қарорлари бекор қилиниб, янги қарор билан ариза қаноатлантирилиб, солиқ бошқармаси зиммасига камерал солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

*5-1001-2302/978-сонли иш*

**Маъмурий ишлар бўйича  
судлов ҳайъати**